

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Зарафшон шаҳри 2023 йил 27 март 4-2102-2301/212-сонли иш

**(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)**

Зарафшон туманлараро иқтисодий суди, судья Ш.Ғофуровнинг раислигида, Ш.Бахроновнинг суд мажлисида, судья Ш.Ғофуровнинг раислигида, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармасининг «ХХХ» хўжалик унитар корхонасига нисбатан банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини аризачи вакили Ш.Ғофуров (02.03.2023 йилдаги 23-12036-сонли ишончномага асосан) иштирокида бўлиб ўтган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

«ХХХ» хусусий корхонаси (бундан бўён матнда “жавобгар” деб юритилади) солиқ ҳисоботларини белгиланган тартибда ва муддатда Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси (бундан бўён матнда “аризачи” деб юритилади)га тақдим этмаганлиги сабабли аризачи томонидан судга ариза билан мурожаат қилиниб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туришни сўраган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, жавобгар суд мажлисида ваколатли вакил иштирокини таъминламади. Шу боис, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан бўён матнда ИПК деб юритилади) 220-моддасининг талабларига мувофиқ ишдаги мавжуд ҳужжатлар низони мазмунан тўғри ҳал қилиш учун етарли деб ҳисоблаб, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили судга маълумотномани тақдим қилиб, жавобгар томонидан ариза судга тақдим этилганидан сўнг ҳам солиқ ҳисоботи топширилмаганлигини маълум қилиб, суддан аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларига кўра, «ХХХ» хусусий корхонаси белгиланган тартибда ва муддатда аризада баён этилган солиқ ҳисоботларини солиқ органига тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан бўён матнда СК деб юритилади)нинг 22-моддасига кўра, солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

СКнинг 82-моддасига асосан Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

СКнинг 111-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин.

Аризачи томонидан жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниб, мазкур қарор нусхаси жавобгарнинг шахсий кабинетига юборилган бўлсада, солиқ органи қарорида кўрсатилган ҳолатлар жавобгар томонидан бартаараф этилмаган.



СКнинг 273-моддасига кўра солиқ тўловчилар, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Жавобгар томонидан солиқ қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганига асосан, ариза билан судга мурожаат қилинишига асос бўлган.

Баён этилганларга асосланган ҳолда, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги факти мавжудлиги ҳақида ушбу ҳолат ишни кўриш жараёнида ҳам бартараф этилмаганлигини инобатга олиб, аризачининг арз қилинган талабини қаноатлантиришни ҳамда жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни лозим топди.

ИПКнинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Шу сабабли суд “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олиб, жавобгардан давлат божи суммасини ундирмасликни, шунингдек ариза бўйича иш электрон тартибда шакллантирилганлиги ва шу боис тарафларга почта алоқа бўлими орқали жўнатмалар юборилмаганлиги сабабли иш бўйича тарафлардан почта харажати ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176 ва 179-моддаларини қўллаб, суд

### **Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

Ариза талаби қаноатлантирилсин.

«ХХХ» хусусий корхонасининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операция (солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонунчилигига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмаслиги ҳолатлари бундан мустасно)лари ҳуқуқбузарлик факти бартараф этилгунига қадар тўхтатиб турилсин.

«ХХХ» хусусий корхонасига хизмат кўрсатувчи барча банклар - «ХХХ» хусусий корхонасига тегишли тўхтатиб турилган ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этилгандан сўнг «ХХХ» хусусий корхонасига тегишли ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан ўн кун муддат ўтгач қонуний кучга киради. Ҳал қилув қароридан норози тараф мазкур ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида Зарафшон туманлараро иқтисодий суди орқали Навоий вилоят судига апелляция шикоятни бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья**

**Ш.Ғофуров**

